

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУЛИБАЕВ ХУРСАНД БАЗАРБАЕВИЧ**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИДА БАДИИЙ УСЛУБ ВА  
ЖАНРИЙ–КОМПОЗИЦИОН ЯХЛИТЛИК СИНТЕЗИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона –2018**

**УЎК: (82.01.821.512.133-31 (043.3)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Тулибаев Хурсанд Базарбаевич**

Ҳозирги ўзбек романчилигида бадиий услуб ва жанрий-композицион  
яхлитлик синтези

.....5

**Тулибаев Хурсанд Базарбаевич**

Художественный стиль и синтез жанрово-композиционной целности в  
современной узбекской  
романистике.....25

**Tulibayev Khursand Bazarbaevich**

Artistic style and synthesis of genre-compositional interity in modern uzbek  
romanistics.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУЛИБАЕВ ХУРСАНД БАЗАРБАЕВИЧ**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИДА БАДИИЙ УСЛУБ ВА  
ЖАНРИЙ–КОМПОЗИЦИОН ЯХЛИТЛИК СИНТЕЗИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона –2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2017.4.PhD/Fil368 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-саҳифасининг [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Умуров Ҳотам Икромович**

филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Касимов Абдугапир**

филология фанлари доктори

**Якубов Исламжон Ахмеджанович**

филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (00973) 244-66-02, факс: (99873) 244-44-01; e-mail: [fdu@edu.uz](mailto:fdu@edu.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (99873)-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Ҳакимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**М.Зокиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, ф.ф.н.

**А.Сабиридинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, ф.ф.д.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослиги илмида бадиий наср, хусусан, замонавий миллий роман яратиш назарияси, бадиий хронотоп ифодасидаги композицион яхлитлик, жанр композицияси ва бадиий услуб мутаносиблиги, образлар моҳиятини белгилаш, уларни таснифлаш ҳамда тизимлаштириш, бадиий услуб, ёзувчи поэтик индивидуаллиги, бадиий маҳоратини аниқлаш, ижодкор эстетик идеали ва реал воқеликни композицияга айлантириш жараёнларини баҳолаш муҳим масалалар сирасига киради. Ҳар қандай миллий адабиёт жаҳон халқлари бадиий тафаккури билан ўзаро таъсир, адабий алоқалар ёрдамида ривожланиши, дунё ягона адабий-маданий, ижтимоий-сиёсий, экспсихологик майдонга айланган глобллашув шароитида бу жараёнлар ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам бевосита дахлдор экани ойдинлашади.

Жаҳон илмий-назарий тафаккури, жумладан, унинг таркибий қисми бўлган ўзбек романшунослигида миллий-адабий анъаналар билан дунё адабиётидаги илғор тажрибаларнинг ўзаро табиий ва давр тақозоси билан изоҳланадиган синтези сифатида бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитлашув жараёнлари намоён бўлмоқда. Замонавий романларда композициянинг вазифаси ва принциплари, поэтик услуб, ижод психологияси, адибнинг индивидуал ижодий кредоси ва адабий жараён, жанрий-композицион яхлитлик синтезлашуви, анъана, адабий алоқалар, ижодий индивидуаллик, поэтик матрица, бадиий асар ҳаёти ва ижтимоий мавжудлигини белгилаш йўсинлари каби муаммоларнинг холис ечимига дахлдор назарий умумлашмалар чиқариш эҳтиёжи устуворлик қилмоқда.

Замонавий ўзбек романчилигида рўй бераётган сифат ўзгаришлар, роман жанрида бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитликнинг синтезлашув жараёнини халқимизга гўзал романлар тақдим этаётган ёзувчилар ижоди мисолида тадқиқ этиш адабий жараёнда кечаётган услубий, жанрий ва композицион янгиланишлар, жумладан, услубнинг бадиий ижод жараёни, конкрет ижодкор ва адабий жараён билан боғлиқ категория эканини тасдиқлашга хизмат қилади. «Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият, изчиллик билан давом эттирамиз. Нега деганда, адабиётга ва санъатга, маданиятга эътибор – аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ».<sup>1</sup> Жанр ва унинг ички шакллари синхрон ва диахрон аспектда ўрганиш замонавий роман канонлари қатъий белгиланмаса-да, унинг тури, эстетик-композицион

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат – маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

хусусиятлари, ҳаётни қамраш кўлами, бадиий нутқ шакли сингари умумий турғун белгилар (*поэтик матрица*)ни тўғри эканлигини тасдиқлайди. Шунингдек, композициянинг шакл компонентлари бадиий мазмунни шакллантириш ва ифодалаш учун энг қулай тарзда уюштиришга қаратилган амал, шу вазифани амалга ошириш принциплари эканини кўрсатишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ - 4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ - 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ - 2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитлик ҳамда роман табиатининг назарий муаммолари жаҳон адабиётшунослигида қадимдан тадқиқ этиб келинган. Платон «равон нутқ, хушоҳанглилик, файз ва равон услуб – соддалик оқибатидур: биз соддалик деб атайдиганимиз фаҳмсизлик эмас, балки, ҳақиқий беназир ахлоқий-руҳий тузилиш оқибатидир»<sup>2</sup> деб ёзади. Арастунинг фикрича, «бир хил нарсани бир хил восита билан тасвирлаган ҳолда ё автор воқеаларга аралашмай ҳикоя қилиши, ёки ўзини худди Ҳомердай тутиши мумкин. Ёки бутун ҳикоя давомида автор ўзлигича қолиши, ёхуд барча акс эттирилувчи шахсларни гавдалантириши мумкин»<sup>3</sup>. Византиялик олим

---

<sup>2</sup> Афлотун. Давлат. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2015. – Б. 120-121.

<sup>3</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2012. – Б. 22.

Михаил Пселл ҳам бадий асар нутқи ва айрим асарлар услуби ҳақида қимматли фикрлар билдирган<sup>4</sup>. Француз олими Пьер Даниэль Юэ «Романларнинг пайдо бўлиши ҳақида рисола»да роман жанрининг тараққиёти, ифода услуби, француз романининг бошқалардан ўзиб кетгани ҳақида мулоҳазалар билдиради<sup>5</sup>.

Замонавий романчилик бадий такомилида Ф.Г.Гегель романлардаги бадий-эстетик идеал, ғоя, услуб, пафос, руҳий эврилиш, образ, характер ҳақидаги мулоҳазалар ҳам муҳим аҳамият касб этади<sup>6</sup>. В.Г.Белинский, М.М.Бахтин, Д.Затонский, А.Н.Веселовский, М.Б.Храпченко, В.Виноградов каби рус олимлари, психологизм муаммоси билан жиддий шуғулланган З.Фрейд, Х.Ортега-и-Гассет, К.Г.Юнг сингари файласуф-эстетлар ҳам мавзуга оид илмий тадқиқотлар олиб боришган<sup>7</sup>. Ушбу қарашлар тадқиқотда роман жанрининг муҳим ва ўзига хос хусусиятлари, унинг яхлит адабий жараён билан боғлиқ қирралари тадқиқи жараёнида умумлаштирилган.

Ўзбек адабиётшунослигида роман жанрида бадий услуб ва жанрий-композицион яхлитликнинг синтезлашуви муаммоси М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, У.Норматов, Н.Каримов Б.Назаров, А.Раҳимов, Ҳ.Умутов, Қ.Йўлдошев, Й.Солижонов, Д.Қуроно, Б.Каримов, сингари олимлар томонидан қисман ўрганилган<sup>8</sup>. Кейинги йилларда олиб борилган ишлардан М.Шарафиддинова, М.Пирназарова, З.Пардаева, Ш.Дониярова, М.Тожибоева, И.Якубов кабиларнинг диссертацияларида

---

<sup>4</sup> Пселл М. Италнинг шарафига. / Қуроно Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан. – Б.134-137

<sup>5</sup> Пьер Даниэль Юэ. Романларнинг пайдо бўлиши ҳақида рисола. Қуроно Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан. – Б.148-157.

<sup>6</sup> Гегель, Фридрих Георг. Эстетика. Биринчи жилд. Рус тилидан М.Абдуллаев таржимаси. – Фарғона. 2011. 400 б.

<sup>7</sup> Бахтин. М.М. Эпос и роман // Вопросы литературы. – 1970. - №1. –С. 95-123.; Затонский Д. Искусство романа и XX век – М.: Наука, 1982. С.3.; Фрейд З. Введение в психоанализ. В. 4-х.т. – М.: 2000.; Виноградов В.В. О языке художественной прозы. –М.: Наука, 1980.Стр., Виноградов В. Поэтика русский литературы. –М.: Наука, 1976. С. 191-195.; Белинский В.Г. Разделение поэзия роды и виды. ПСС. Т.5. – М.-Л., 1954.; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. –Л., 1940.; Храпченко М.Б. О разработке проблемы поэтики и стилистики. Изв. АН СССР, отд. Лит. И языка. 1961. Т.20 В.5.; Хосе Ортега-и-Гассет. Мысли о романе. –В. КН: Эстетика. Философия культуры. –М., 1991. С. 265.

<sup>8</sup> Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари // Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Фан, 1991.-Б. 299-382 ва бошқ; Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор (Машхур кишилар ҳаёти). – Т., 1978; Ўша муаллиф. Чўлпонни англаш. –Т.: Ёзувчи, 1994. Ўша муаллиф, Келажакка чорловчи қисса// Ўзбекистон маданияти, 1995 йил; Мамажонов С. Услуб жиолари. –Т.: Адабиёт ва санъат нишриёти. 1972;Норматов У. Насримиз анъаналари. –Т., Фан, 1991. Ўша муаллиф. Ўтган кунлар ҳайрати. – Т.: 1997; Ўша муаллиф. Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 200; Ўша муаллиф. Тафаккур ёғдуси. – Т., 2005; Умутов Ҳ. Бадий ижод асослари. Ўзбекистон. –Т., 2001. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт): Филол. Фанлари д-ри. Дисс. ... автореф. –Т.: 1993. ; Қ.Йўлдошев. Ёниқ сўз. –Т.: «Янги аср авлоди». 2006. 458-б. Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси. Фил. фан. док. ... дис. – Т.: ТАИ, 2002, – 302 б.; Қуроно Д. Чўлпон насри поэтикаси . –Т.: «Шарқ». 2004. 298-б.; Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Т.: «Фан». 2006. 181-б;

масаланинг айрим қирралари тадқиқ этилган<sup>9</sup>. Бироқ, бу назарий манбаларнинг ҳеч бирида У.Ҳамдам, Ш.Бўтаев, Л.Бўрихон романларида бадиий композиция тушунчасининг жанрий ўзига хослиги ва умумий моҳияти махсус ўрганилмаган. Бинобарин, тадқиқот ишимизда объект сифатида танланган ёзувчилар ижоди айрим илмий тўплам ва даврий матбуот нашрларидаги мақолалар, роман жанри хусусида баҳс-мунозараларда қисман объект вазифасини бажарган<sup>10</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Янги ўзбек адабиёти ва адабий танқид» мавзусидаги йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек романларида бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитликнинг синтезлашуви муаммосини У.Ҳамдам, Ш.Бўтаев ва Л.Бўрихон романлари мисолида назарий тадқиқ этиб, адабий жараёнда кечаётган услубий, жанрий ва композицион янгиланишларнинг ижодкор шахси билан боғлиқ индивидуал, миллий ва жаҳоний асосларини кўрсатиш, шу адиблар поэтик маҳоратини ўрганиб, мустақиллик даври плюралистик тафаккури таъсирида миллий романчиликда содир бўлаётган сифат ўзгаришларининг ижтимоий-эстетик моҳиятини ойдинлаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитликнинг синтезлашув жараёни табиатини белгилаш орқали роман услуби ва композициясига доир назарий умумлашмалар чиқариш;

услубнинг бадиий ижод жараёни, конкрет ижодкор ва адабий жараён билан боғлиқ категория эканлигини кўрсатиш;

У.Ҳамдам, Ш.Бўтаев ва Л.Бўрихоннинг воқеликни яхлит идрок этиш, ҳаёт материалини бадиий системага айлантириш маҳоратини белгилаш;

---

<sup>9</sup> Шарафутдинова М.О. Особенности повествовательной структуры узбекского романа XX века в контексте мировой литературы. Автореф. дис. ... док.фил.наук. –Тошкент: ТАИ, 2010, 50 б.; Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романчилигида услубий-шаклий изланишлар. Филол. фанлари д-ри. номзоди. ... автореф. –Т.: 2006 36 б.; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. Филол. фанлари д-ри. дисс. ... автореф. –Т.: 2003. 68 б.; Дониярова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси. Тожибаева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. Филол. фанлари д-ри. дисс. ... автореф. –Т.: 2018. 70 б.; Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол. фанлари д-ри. дисс. ... автореф. –Т.: 2018. 70 б.

<sup>10</sup> Саримсоқов Б. Абсурд маънасизликдир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2002. -28 июнь. Норматов У. Ҳамдам У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи // Жаҳон адабиёти. -2002. №12. –Б. 142-166-бет; Норматов У. Энг муҳим муаммо// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2003. -21 март; Ўша муаллиф. Эркин ижод имкониятлари (Давра суҳбати)// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2003. -22 авг.; Солижонов Й. Роман кашфиётлар манбаидир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2004. -30 янв.; Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2004. -26 март; Расулов А. Тарих, фалсафа, роман // Жаҳон адабиёти. – 2003. - № 154-165 бет.



бадий ижодда анъана, адабий алоқалар ҳамда ижодкор шахси ролининг ортиши ижодий индивидуалликни белгиловчи асосий омил эканлигини аниқлаш;

жанр ва унинг ички шакллари синхрон ва диахрон аспектда ўрганиш ҳамда замонавий роман канонларини белгилашда поэтик матрица дастлабки асос эканлигини У.Ҳамдам, Ш.Бўтаев ва Л.Бўрихон романлари мисолида қайд этиш;

композициянинг шакл компонентларини уюштириш вазифаси ва принципларини аниқлаш;

романларнинг кейинги ҳаёти ва ижтимоий мавжудлигини белгилашда бадий услубнинг ролини кўрсатиш, ҳозирги ўзбек романлари услуби ҳамда жанрий-композицион яхлитликнинг синтезлашуви муаммосига доир назарий хулосалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Миллий романчиликни бадий услубий ва жанрий-композицион жиҳатдан янгилашга сезиларли ҳисса қўшаётган адиблар У.Ҳамдамнинг («Сабо ва Самандар»), Ш.Бўтаевнинг («Шох»), Л.Бўрихоннинг («Жазирамадаги одамлар») романлари тадқиқот объекти вазифасини бажарди. Шунингдек, назарий фикрларни асослаш учун шу адибларнинг бошқа романлари, ўзбек ва жаҳон адабиётининг мумтоз ва замонавий насри намуналарига мурожаат қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** замонавий ўзбек романчилиги услуби ва жанрий-композицион яхлитликнинг синтезлашуви жараёнлари миллий-адабий анъана, ижодкор индивидуаллиги ва жаҳон насри таъсирида пайдо бўлган поэтик ўзгаришлар эканлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва талқиннинг қиёсий-типологик, структурал, биографик, герменевтик ва руҳий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёзувчиларнинг реал воқеликни яхлит идрок этиши, ҳаёт материалини композицияга айлантириш маҳорати, шунингдек, услубнинг конкрет ижодкор ва адабий жараён билан боғлиқ категория эканлиги исботланган;

композициянинг бадий майдон, ривоят, тафсилотлар, портрет, пейзаж, лирик чекиниш, қистирма эпизод, интерьер сингари шаклий компонентларининг бирлаштириш вазифаси, ижодий индивидуалликни белгиловчи жиҳатлари асосланган;

жанр ички, ташки, ўзаро таъсирининг юзага келиши, бир асрлик романнависликнинг тарақиётидаги эволюцион такомили аниқланган;

замонавий ўзбек романи канонларини белгилашда поэтик матрица дастлабки асос эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: У.Ҳамдам, Ш.Бўтаев ва Л.Бўрихон романлари услуби ва уларда жанрий-композицион яхлитликнинг синтезлашув жараёнлари, мустақиллик даври ўзбек романлари бадиияти ҳақидаги назарий хулосалар ишлаб чиқилган;

мустақиллик арафаси ва истиқлол даври романларида композицион принципларнинг намоён бўлиш йўсинлари, композиция унсурларининг бутун таркибидаги функциялари: матн қурилиши, бадиий нутқ шакллари, ривоя субъектлари, нуктаи назарларнинг мақсадли ўрин алмашинуви, сюжет қурилиши, маконий ва замоний ўзгаришлар асосланиши, ижодий ният ва унинг ижросида ижодкор шахс иқтидор ва салоҳиятининг роли, услубий индивидуаллиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг фикр ва қарашларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилганлиги; адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар «Адабиётшуносликка кириш», «Ҳозирги адабий жараён», «Адабиётшунослик назарияси», «Бадиий таҳлил асослари» ва «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи» фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар ҳозирги ўзбек романчилигининг услубий хусусиятлари, бадиий шакл унсурларининг бадиий мазмунни шакллантириш ва ифодалаш учун энг қулай тарзда уюштирилиш тамойиллари ҳақидаги назарий хулосалардан таълим тизимида ўқитилаётган адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён ва адабиёт назарияси фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш, маърузалар ўқиш, шунингдек, академик лицей ва касбхунар коллежи ўқувчиларига мустақиллик даври романчилиги бўйича машғулотлар олиб боришда, жанр бадиияти, ижодкорлар поэтик маҳоратига оид махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳозирги ўзбек романчилигида бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитлик синтезини тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

Жанр ички шакллариининг юзага келишининг тадрижий такомилга оид назарий қарашлари ва илмий хулосаларидан ФА-Ф1-ГОО2 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал давлат лойиҳасини бажариш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-3269 маълумотномаси). Натижада, ихтисослик фанларни ўқитиш, малака ошириш курслари, шунингдек, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг дарс самарадорлигини оширишга эришилган.

Замонавий роман канонларини белгилашга оид тавсиялар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабий танқид кенгашининг йиллик ҳисоботида «Роман жанри: кеча ва бугун», «Поэтик мушоҳадада рамзийлик» мавзусидаги тадқиқотлар таҳлилида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 21 сентабрдаги №01-03-15/1330-сонли маълумотномаси). Натижада роман жанрининг адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимиз тараққиётига хизмат қилиши эътироф этилган.

Роман ва бугунги романчилигдаги сифат ўзгаришларнинг тадирижий тақомиллашиб бораётганлиги борасида Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг “Ассалом Қорақалпоғистон” тонги кўрсатуви сценарийси тайёрлашда фойдаланилган. (ҚР телерадиокомпаниясининг 2018 йил 30 апрелдаги 14-19/468 – сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу кўрсатувнинг ёшлар орасида китобхонликмаданиятининг шаклланишига, уларнинг маънавий оламини бойитишга, дунёқарашини кенгайтишига замин яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 2 та халқаро ва 12 та республика имлий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналда нашр этилган. Шунингдек, 2 та илмий рисола китоб ҳолида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «Услуб – шакл унсурларининг функциясини белгилаш ва яхлитликка бириктирилиши таъминлаш воситаси» деб номланган биринчи бобида бадиий услуб, ёзувчи услуби, янги давр романлари мисолида ўрганилиши, танланган объектга мослиги, романий тафаккур тасвиридаги услублар ранг-баранглиги, полифоник нутқ табиати

ва моҳиятини изоҳлашда вужудга келган илмий қарашлар хусусида аниқ маълумотлар берилган. Бобнинг биринчи фасли **«Ижодкор индивидуаллигини белгилашда услубнинг роли»** деб аталади. Ҳозирги ўзбек романчилиги сўнгги йигирма йил ичида жиддий янгиланишларни бошдан кечирди. Бу борада жаҳон адабий ҳодисаларининг ҳам таъсири мавжуд. Жумладан, рамзий-мажозий талқин Кафка, фалсафий-маърифий талқин Камю, руҳий-фалсафий талқин Толстой сингари адиблар ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлган. Булар ўз навбатида, ўзбек адиблари ижоди (услуб, шакл, сўз қўллаш маҳорати, характер яратиш, ғоя)га таъсир кўрсатаётгани адабиётшунослар А.Расулов<sup>11</sup>, Й.Солижонов<sup>12</sup>, Қ.Йўлдошев<sup>13</sup>, У.Жўракулов<sup>14</sup>, Д.Қуронов<sup>15</sup>, З.Пардаева<sup>16</sup>, М.Шералиева<sup>17</sup>, А.Носиров<sup>18</sup>лар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Дарвоқе, Улуғбек Ҳамдам, Шойим Бўтаев, Лукмон Бўрихон бадиий изланишларида адабий таъсир масаласининг айрим хусусиятлари сақланиб қолганлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Адабиётшунос олимлар тадқиқотларида услуб атамасига турлича баҳо берадилар. Атаманинг тор ва кенг маъноси уни аниқлашда жуда қўл келади. Яъни у бир вақтнинг ўзида *«муаллиф-асар-китобхон»* учлигини таъминловчи воситадир. «Услуб нафақат давр, ижтимоий шарт-шароит, ҳаётда кузатилган воқеа-ҳодиса, характер ва ҳолатлар, ёзувчи тасвирига кўчган ситуация ва конфликтларга боғлиқ, балки биринчи навбатда бу характер, ҳолат-кайфият, конфликтларни бадиий образларда гавдалантирувчи, ҳаётнинг оригинал бадиий картинасини яратувчи ижодкор инсон – санъаткорга боғлиқ»<sup>19</sup>, - ёзади адабиётшунос Ў.Носиров. Келтирилган манбада *“ҳаётнинг оригинал бадиий картинасини яратувчи ижодкор инсон – санъаткорга боғлиқ”* экан, баъзи ижодкорлар йиллар давомида ўз устида тинимсиз изланишлар олиб боришса-да, ўз услубини тўлақонли яратган эмас. Бу жараён ўта мураккаб: ташқи ва ички таъсирлар билан белгиланади. Ташқи таъсир ҳаётни теран ўрганиш, унда тобланиш, *кузатиш, таҳлиллаш, синтезлаш*, ички сабаб эса ўз юрагида талант ва истеъдодни асраб-авайлаш баробарида уни тарбиялашдир. Чунончи, санъаткор шахсияти бутунлигига дахлдор хусусиятларнинг барчаси **услубда** жамланади. Яхлит тизим сифатида воқелик шакли ва мазмунини бир-бирига улайдиган бадиий категорияда услубнинг даража кўрсаткичи қабариб кўринади. Айнан, тасвир ва ифодани муайян эстетик марказга

<sup>11</sup> Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Т. «Шарқ». 2007, 332 б.

<sup>12</sup> Солижонов Й. Нутқ ва услуб. Монография. –Т. «Чўлпон». 2002 йил.127 б.

<sup>13</sup> Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т. «Янги аср авлоди». 2006. 435 б.

<sup>14</sup> Жўракулов У. Худудсиз жилва. –Т. «ФАН». 2006. 236 б.

<sup>15</sup> Қуронов Д. Назарий қайдлар. –Т. «Академнашр». 2018. 127 б.

<sup>16</sup> Пардаева З. Ўзбек романи поэтикаси. –Т. «А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти». 2003. 144 б.

<sup>17</sup> Шералиева М.Ҳозирги ўзбек насрида киноя. «Академнашр». 2016. 224 б.

<sup>18</sup> Носиров А. Одил Ёкубов романлари поэтикаси. –Т. «Фан». 2013. 138 б.

<sup>19</sup> Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. -Т.: «Фан». 1981. –Б.75.

йиғиш адабий маҳоратга бевосита боғлиқ. Биламизки, ҳаётий материал кўп қиррали ва мавҳум, ижодий танлаш қонуниятини таҳлилнинг аниқлиги белгилаб беради.

Айниқса, ифода хусусиятлари бир-биридан жиддий тафовутланадиган романларда *рамз, киноя, фалсафий мушоҳада, руҳий* таҳлилнинг теранлашуви адабиётимизда жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Замонавий ёзувчилардан У.Ҳамдамнинг «Сабо ва Самандар», Ш.Бўтаевнинг «Шох», Л.Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романларида бадиий услуб компонентларнинг ўзига хос моҳиятга эга эканлиги яққол кўзга ташланади. Бироқ мавжуд тушунчалар ҳар бир асарда ўзига хос муайян эстетик вазифадошликни юзага келтиради. Айнан услубнинг дунёқарашдан ўсиб чиқиши, тағзамирида миллий менталитетга туташувини ёдда тутмоқ жоиз.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **«Роман композициясида бадиий нутқ шакллари ва полифоник ифода унсурлари»** деб номланади. Ушбу фаслдаги муаммо ўзбек ва жаҳон адабиётшунослиги негизида таҳлил қилинди. Ўзбек романчилигидаги полифоник (кўп овозли) нутқ табиати У.Ҳамдам, Л.Бўрихон, Ш.Бўтаев ижодида кузатилиши, мавжуд бирликларнинг фарқли хусусиятлари аниқланди. Айниқса, XIX аср ниҳояси Рус ва Европа романчилик тизимида бадиий имкониятлар шартлилиги анча теранлашганлиги ҳамда ўзбек адабиётига таъсири масалалари ҳам тадқиқ қилинди. Рус адиби Ф.М.Достоевский ижодидан ибтидо оладиган, такомиллашган услубий-шаклий изланишлар фанда талкин ўлчамини тубдан ўзгартирди. Романда тасвир полифонияси хусусида жиддий тадқиқотлар олиб борган профессор Й.Солижонов таъкидлайди: «Полифоник роман асосан инсон тафаккури билан иш олиб боради. Инсон тафаккури эса ғоят мураккаб бўлиб, ундан бир пайтнинг ўзида физик, химик, фалсафий, диний, физиологик тажрибалар ўтказиш ва кутилган натижаларга эришиш мумкин. Бунда биринчи галда унинг руҳияти ёритилади. Тирик инсон руҳиятининг мураккаблигини акс эттириш полифоник роман ижодкорининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади»<sup>20</sup>. Дарҳақиқат, келтирилган иқтибосни замонавий роман ижодкорларига муқояса қилсак, масала моҳиятини англаш мумкин. Объектимизда танланган ёзувчи асарлари тўлақонли полифоник роман ярата олди деган даъводан йироқмиз. Бу хусусият ҳар учала адиб романида айрим кўринишда жилваланиши ҳақиқатдан йироқ эмас.

«Полифония (юн. polys – кўп, phone – овоз) – мусикашуносликдан ўзлашган термин, М.Бахтиннинг «Достоевский ижоди муаммолари» (1929) асарида илк бор адабиётга татбиқан ишлатилган. Мазкур асарида олим Ф.Достоевский романнинг янги типи «полифоник роман»

---

<sup>20</sup> Солижонов Й.. XX асринг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. док.дисс. –Т. 2002. – Б.267.

яратганини асослаб берди. М.Бахтин талқинларига кўра, Достоевскийга қадар яратилган романларда муаллиф онги устувор бўлиб, қолган ҳамма нарса, жумладан, қаҳрамон шунга тўла бўйсундирилган. Олим буни «романнинг монологик типи», деб атайди ва ундан фарқли равишда, полифоник романнинг асосий белгиси сифатида муаллифнинг қаҳрамонларга нисбатан диалогик мавқеда туриши, яъни уларнинг ҳар бири олам ҳақидаги ўз нуқтаи назарига эгаллиги ва бу нуқтаи назарларнинг ҳар бири мустақил ҳолда (муаллиф нуқтаи назари билан параллел тарзда, унга бўйсундирилмаган ҳолда) яшашини кўрсатади»<sup>21</sup>. Ёзувчи воқеликни – *кузатади, баҳолайди, таҳлил* қилади. Шу асосда ўз услуби юзага келади. Қаҳрамон воқеликни – *ривожлантиради, ўзгартиради, янгилайди, тўхтатади*. Бу роман сюжетида дахлдор тушунча. Ровий эса ҳар иккала жиҳатга бевосита аралашади. Натижада тасвир симфонияси юзага келади. Буни У.Ҳамдамнинг «Сабо ва Самандар» романи тимсолида таҳлил қилиб кўрамиз:

«Мен бахтли муҳаббатга овоз берган бўлардим... Ташна одам сувга тийиқсиз эҳтиёж ила талпинади. Бу биринчи давр. Бу даврда ташна вужуд соҳиби сувнинг нима эканлигини бутун борлиғи билан ҳис қилади, идрок этади. Галдаги давр – унинг ўша сувдан қониб-қониб ичишидир. Сувнинг ютилган ҳар қултуми унинг учун олам-олам лаззат ва маъно манбаи ҳисобланади. Лекин шу ерда унинг сув билан муносабати тугайдими? Асло, у ташналик вақтида сувга бўлган эҳтиёжини ҳеч қачон унутмайди: бас, ҳамиша сувнинг ёнида бўлишга, ундан айрилмасликка тиришади. Чунки биладики, то тирик экан, ташналик ҳам у билан мудом биргадир. Ишқ ҳам унга эҳтиёж туйганлар учун худди шундай таъсирга эга...»<sup>22</sup>

У.Ҳамдамнинг «Сабо ва Самандар» романида азалий ҳамда абадий моҳиятга интилиш натижасида қаҳрамон қалбидан чиқаётган овоз мавжуд муаммоларни манзаралаштиради. У таҳлил қилиш баробарида реалликка қараб интилади. У ишқнинг ичида, мангу эҳтиросли ишқ ботинида ўз аксини кузатмоқда. Кучли эҳтиёж қаҳрамон ички нутқининг бўлинишига олиб келмоқда. Ушбу хусусият ўз ёрқинлигини ифодалаш баробарида, фалсафий мушоҳада, драматик зиддиятларнинг янада кучайишига замин ҳозирламоқда. Бу ўринда уйғунлик касб этаётган туйғулар реализмида – *олийгоҳ ўқитувчисининг, ижодкор муносабатининг* ҳамда ахборот асри *киишисининг* овози қоришиб кетади. Парда орқасида намоён бўлган одамзоднинг манфаат ва эҳтиёжлари тасвир экзистенциясини тўлдиришга хизмат қилади.

Ишнинг «**Диспозициянинг композицияга айлантирилишида ижодкор шахс имкониятлари**» деб номланган иккинчи бобида

<sup>21</sup> Қуронов Д. ва бошқ., Адабиётшунослик терминлари изоҳли луғати. –Т.: «Академнашр», 2010. –Б.164-165.

<sup>22</sup> Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. –Б.248-249.

композиция яхлитлигини таъминловчи сюжетга хос элементлар, композицияга хос унсурлар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.

**«Бадий-услубий маҳорат: ҳаёт материалини бадий асарга айлантириш машаққати»** деб номланган биринчи фаслида роман поэтикасида мифологик табдил масаласига аниқлик киритилди. Ҳар бир давр ўз мифологиясини яратиши, унга жамият тутумлари, тартиботлар, ҳаётий эҳтиёж ҳам ўз таъсирини ўтказиши, одам даврнинг фарзанди эканлиги, ўз қалбида кечаётган туйғуларни онги, идроки орқали бошқаришга мойиллиги, миф шу тарзда яратилиши борасида атрофлича фикр юритдик. Л.Бўрихон, У.Ҳамдам, Ш.Бўтаев ижодий изланишларида замон мифининг романда акс этишининг гувоҳи бўлдик. «Сабо ва Самандар»да Самандар ўз мифик тасаввурлари билан ҳаёт кечирса «Шох»да жаноб Химер янги замон кишиси характерини ташувчи мифик образ сифатида намоён бўлади. «Жазирамадаги одамлар»да ўз эътиқодидан бўғилган Лола ҳам мифик тасаввур маҳсули. Булар тақдирида номукаммаллик билан бир қаторда талай камчиликлар мужассам. «Композиция бадий шакл унсури эмас, балки асарнинг барча компонентларини уюштириб, унинг шаклий ва мазмуний бутунлигини таъминлайдиган, ўқилиши, уқилиши ва китобхонга ғоявий-эстетик таъсирини бошқарадиган, хуллас, уни чинакам ҳодисасига айлантирадиган амал...».<sup>23</sup> Демак, бадий асарни яхлит система (композиция)га жойлаштиришда мифик талқинлар ҳам ўз ўрнига эга. Жараён шуни кўрсатмоқдаки, сюжет унсурлари мавжуд тушунчани янгилаб боришга қўл келади. Мифик тасаввур ғоя билан яхлит манзарани ҳосил қилади.

Айниқса, роман поэтикасида мифологик киритмалар янги маъно қирралари билан бойиб боради. Одамзод онги имкониятларининг яхлитлиги бадий адабиёт ифодаси тарзида мифологик талқин ғоявий ибтидодан фольклор ва динга кўчган тафаккур типи ҳисобланади. Босқичма-босқич тараққий топа борган мифологик шакл эса бадий асар ҳалқасида ҳам муҳим ўрин тутати.

Ҳар учала адиб романларида кузатиловчи муҳим бир жиҳат фикримизни аниқлаштиришда муҳим роль ўйнади:

1) *Роман поэтикасида киритма, метаривоятлар салмогининг бир хил даражаси;*

2) *Сюжетга хос компонентларнинг бадий яхлитликни таъминлашдаги вазифавий аҳамияти яқинлиги;*

3) *Характерни ёритишда муаллиф позициясининг устуворлиги;*

4) *Муқаддима ва хотиманинг фожеавий якун топишида муаллиф ремаркаси;*

5) *Баёнчилик усулида воқеликни кескин драматик вазиятларда атайин “бўрттириш” техникаси мавжудлиги;*

---

<sup>23</sup> Куронов Д. Назарий қайдлар. –Т.: «Akademnashr», 2018. –Б.3-4.

б) *Мифопоэтик талқинда жамият ҳаётини ислоҳ қилишга киришаётган қаҳрамон интеллекти намоёниши* кабилар қабариб кўринади.

Диссертациямизнинг ушбу фаслида композиция муаммоси, мифологик киритмалар, ривоя техникаси каби хусусиятларга тўхталиб ўтдик. Композиция ёзувчи ижодий кредосини белгилаб берувчи шаклий мезон саналади. Унда жамики компонентлар бир-бирига яхлит, изчил пайвандланади. Айниқса, роман табиатида кенг қамровни ҳосил қилади. Таъкидлаш жоиз, ҳар бир абадий талқинда ижодий муносабатнинг уч шакли мавжуд:

а) *ижодкор концепцияси*;

б) *матн позицияси*;

в) *қаҳрамон концепцияси*.

Бу учлик ҳамиша ҳам бир-бирига мувофиқ келиши шарт эмас.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли **«Сюжет ривожланишида конфликтнинг ўрни»** деб номланди. Жаҳон ва миллий эпик тажрибаларига ҳамоҳанг истиқлол даври ўзбек романчилиги ҳозирги босқичда моҳиятан жиддий такомиллашди. Унинг тадрижи «ўз географияси, генеологияси, қаҳрамонлар маънавий-руҳий ва психопатологик ҳолат-кечинмалари билан белгиланадиган бўлди. Зотан ижодкор ва қаҳрамон қалб, фикр-ўйлари инсонга, оламга ва коинотга қаратилган»<sup>24</sup> лиги натижаси ўлароқ ислохотчилик жараёни муайян салмоқ касб этади. Мавжуд ҳолат бадиий шакл мазмунини тубдан янгилаш баробарида тасвир руҳиятига ҳам таъсир ўтказди. Кўп босқичли маъно майдонини шакллантиришга мойиллик, мавжуд андозаларни бузаётган сюжет динамикаси, жаҳон ва ўзбек фалсафий-эстетик талқинига йўғрилган илғор адабий анъаналарни ўзлаштириш ҳамда қўллашга интилиш одатий тусга кирди. Бинобарин, кескинлашаётган олам ва одам муносабатларини поэтик идроклашнинг зичланганлик даражаси, руҳият таҳлили ҳамда тадқиқи теранлиги, ижтимоий таассурот ва шахсий кайфият уйғунлашуви ўзгараётган адабий-эстетик талқин эврилишларини амалий жиҳатдан тасдиқлаб турибди:

«Самандар тишини тишига босганча, муштларини қисиб, айна чоғда шайтонга ҳай бориб, сабр билан томошанинг сўнгини кутарди...

- Йўқ, санга эликта етмайди, санга юз минг ёзиб бераман. Юз минг доллар! – Саидкамол ака чекни йиртиб Самандарнинг олдида ташлади. – Ол-де, дап бўл! Қизимга бошқа қўнғироқ қилма! Шартни бузсанг, ўзингдан ўпкала, бола!

Самандар ўрнидан турди:

- Битта нарсага ҳайронман, - деди дона-дона қилиб.

- Нимага экан? – энсаси қотиб сўради Саидкамол ака ҳам беихтиёр Самандарга эргашиб қўзғаларкан.

---

<sup>24</sup> Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сөҳри. –Т.: «ТВДПУ». 2011. 282-бет.



- Сиздек.... юраксиз одамдан Сабодек кўнгил кишиси қандай қилиб туғилган экан?.. – айтадиганини айтдию Самандар шахд ила изига бурилди. Бояги йигитлар эшик олдини тўсиб туришарди. Аммо улар хўжайинларига бир қараб олишгач, Самандарнинг чиқиб кетишига монелик қилишмади, тисарилиб ён беришди...»<sup>25</sup>.

У.Ҳамдамнинг «Сабо ва Самандар» романи бадий воқелигини кескинлаштирадиган таянч марказ Саидкамол ва Самандар ўртасида кечган мулоқотда ўз ифодасини топган. Таранг муносабат ҳаёт ҳақиқатининг бир қатор ёзилмаган қонунларини очишга хизмат қилади. Йигит ва қиз ўртасидаги самимий муҳаббатга қўйилган асосий тўсиқ турмуш даражасига боғлиқ. Вазир Саидкамол ўз қизининг «ялангаёқ кимса» билан яқинлашувига жиддий қаршилиқ қилади. Негаки, оддий институт домласи унинг наздида эътибор беришга ҳам арзимаيدи. Қаҳрамон ўзига ишонч билан ишқнинг нарҳини аввал эллик минг, сўнгра юз минг долларга баҳолайди. Бироқ Самандар дунёда бойликдан ҳам юқори турадиган тушунчалар мавжудлигини англаётган зиёли қатлам вакили саналади. Кескин рад этилган таклиф Саидкамолни ўйлашга, изтироб чекишга мажбур қилади. Қаҳрамоннинг «агар анови эрраимбойга «хўп, хўп» деб қўймаганимда, қизингни ўша йигитга берардим», деган иқрори замирида афсус-надомат залвори мужассам. Китобхон тасавурида илк учрашувдаёқ салбий таассурот уйғотган Саидкамолга хайрихоҳлик ҳисси туғилади. Бир қарашда, маълум ва машҳур бой табиатини тушуниш мумкин. Негаки, у ҳаётда мол-мулк, дунё, амал учун ҳатто иймондан ҳам кечадиган қанчадан-қанча кимсаларни кўрган. Даставвал, қизи ва Самандар ўртасидаги муносабатни эшитган ота йигитни ҳам шундай суллоҳлардан бири дея тасаввур этади. Бироқ кейинчалик Сабо ва Самандар ўртасидаги ишқ ҳар қандай ғараз ва манфаатдан устувор хилқат эканлигини англайди ва уларга ҳаваси келади. Асарда ҳаётий зиддиятларнинг фалсафий теранлиги бир нечта ўлчамда ривожланади. Жиддий келишмовчиликлардан ўсиб чиқадиган кескинлик матн жожеий руҳини анча қуюқлаштиради. Жамият томонидан шахс маънавий дахлсизлигига тажовуз талқиннинг эпик мазмунини белгилайди. Адиб гоҳ холис, гоҳ позитив муносабат воситасида реал манзаралар драматизминини очиб беришга эришади. Романда воқелик давомийлиги эмас, балки инсон ботинида кечаётган руҳий жараёнлар марказий ўрин тутати. Тўғрироғи, ёзувчи шахс характерини англаш фалсафасини ижтимоий-психологик омиллар ёрдамида ёритади.

**«Жанр поэтик бутунлигини таъминловчи омиллар»** деб номланган учинчи бобда роман поэтикасини тартиблаштирувчи барча компонентлар қиёсий-типологик тарзда тадқиқ қилинди. Мазкур бобнинг **«Матн структураси: шакл, мазмун ва услуб мутаносиблиги»** деб

---

<sup>25</sup> Ҳамдамов У. Сабо ва Самандар. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. –Б.158.

номланган биринчи фаслида таҳлилга олиб чиқилган масалалар тўлақонли ўз ифодасини топди. Роман жанри поэтикасига дахлдор барча компонентлар яхлитлиги ёзувчи идеалининг бадиий инйкоси сифатида намоён бўлади. Айниқса, тақдимот марказига йўналтирилган асосий категориялар мудом «ўзига хос» яхлит тизимга таянади. Поэтик мушоҳадада гоҳ киноя, гоҳ рамзийлик, гоҳ мифопоэтик талқинлар синтези уйғунлашади. *Пейзаж, портрет, киритма* ҳикоялар тасвир объектини тартиблаштиради. Мавжуд тушунчалар негизида характер қирралари очилади, унда жамият ҳаётига дахлдор асосий муаммоларга кенг тўхталиб ўтиш имконини беради. Л.Бўрихон талқинларида кузатганимиздек, Ашур тийнатидаги «шиддат»корлик, Ўроқ ва Лола ўртасидаги пок ва самимий кечинмалар ёзувчи ғоясининг нафақат ташувчиси, балки китобхон қалбида акс-садо берувчи асосий воситалар таҳлилини намоён қилишга замин яратади. Ёзувчи Л.Бўрихон табиат тасвири орқали маънавий қадриятларни англашга урғу беради. Демак, поэтик мушоҳада синтези ИДЕАЛ тушунчаларни англатиш воситаси эканлигини баҳолаш мумкин. Л.Бўрихон талқинларида «шаҳар» ва «қишлоқ» табиатидаги узил-кесил эврилишлар, чўлқуварлар ҳаётини чамалашда муҳим атрибутлардан биридир. Романдаги ғоя нафақат асар структурасида, балки ёзувчи олдига қўйган энг олий мақсадларни намойиш қилишга қўмаклашади. Жумладан, *бадиий нутқ, полифоник нутқ, қаҳрамон нутқи, ровий нутқи* матнни англаш ва англатиш учун асосий компонентлар сирасига киради. Адабиётшунослик илмида жиддий мақолалари билан танилган Р.Қўчқор қайд этишича: «Шундай асарлар бўладики, уларда акс эттирилган воқеалар, уюштирилган интригалар, яратилган қаҳрамонларнинг фикру ўйи ва ҳаракати – буларнинг барча-барчаси недир бир ҳақиқатни, муаллиф ўқувчига етказмоқчи бўлган муайян бир мақсадни англатишга, изоҳлашга, юктиришга хизмат қилади. Бундай асарларнинг анатомияси юзлаб деталлардан териб чиқилган буюмни, асбобни эслатади»<sup>26</sup>. Бу иқтибосда муаммонинг икки жиҳати эътиборимизни тортади: биринчидан, ёзувчи ғояни сюжетга айлантиргунга қадар уни синтезлайди, воқеликни онгу тафаккурида қайта кўриб чиқади, иккинчидан, майда деталларгача **ғоя-мақсад-ечимни** бир махражда бирлаштиради. Масалан, Л.Бўрихон асарида бадиий услуб «ширали», қишлоқ аҳлига хос «ҳаётий», «табиий», «жозибадор», «юкумли»лиги билан тафовутланади. Ёзувчи барча ўзгаришлару бурилишлар сюжет динамикасини мўътадиллаштириб, ёшгина, беғубор туйғулари «барқ» урган Самад ботинидан чиқаётган ҳароратли фикрларни атайин киноя ичига олиб киради. Самад бу ерда ҳам кузатувчи, ҳам ахборот етказувчи, ҳам воқеликни юритувчи, ҳам ўз муносабатини билдирувчи *қаҳрамон-ровий* тарзида намоён бўлади. 7-синф

---

<sup>26</sup> Қўчқоров Р. Дарбадарликнинг бедор талқини. Қаранг: Исажон Султон насри бадиияти. – Т.: «Turon zamin ziyo», 2017. – Б.84.

ўқувчисига ёзувчи шу қадар катта «юк»ни юклайдики, Самад бу «юк»ни фақат оммага етказишни эмас, юрагида воқеликка алоқаси борми-йўқми моҳиятини биров англагандек туюлади. Ёзувчи бир тафсилотдан – иккинчи тафсилотга «сакраб» ўтади. Бу «сакраш» тиниб-тинчимас болакайнинг мусаффо орзулари бағрида қайта идроклана боради. Мунаққид Й.Солижонов қайд этишича: «Ҳар бир асарда бош қаҳрамон бўлиши зарурлиги бадиий адабиётнинг азалий қонуниятларидан бири саналади. Ундаги барча сюжет линиялари, эпизодлар, персонажлар бош қаҳрамон тақдири билан мустаҳкам боғлансагина, композицион яхлитлик юзага келади. Сир эмаски, истиқлол даври романларида бош қаҳрамон ҳаётини бутун мураккаблиги, ички зиддиятлари, руҳий кечинмаларининг кескин қарама-қаршилиги билан рўй-рост тасвирлашга эътибор кучайди»<sup>27</sup>. Ушбу мисолда кўрганимиздек, истаймизми-йўқми, бош қаҳрамон ҳамма давр адабиётида муҳим саналган. Бироқ постмодернистик асарларда қаҳрамоннинг ўзи эмас, унинг ғоя ташувчилик фаолияти қизиқтиради. Масалан, бош қаҳрамон ўзининг миссиясини тўлақонли бажаргандагина у қаҳрамон ҳисобланади. Реалист ёзувчилар асарлари бундан мустасно. Негаки, реалистларда қаҳрамон фаолияти ички кечинмалари, қувонч ва изтироблари, қайғулари, орзулари, армонлари билан бирга бўлишликни, ўқувчи ўша қаҳрамонлар орқасидан эргашишни, керак бўлса бутун ҳаётини ўзгартириб юбориши айтилган ҳақиқат. «Шох» романига эътибор қаратамиз:

«Жаноб Химер ғаладонидан иккита таклифнома чиқариб, уларга биттадан узатди:

- Марҳамат қилиб, бизнинг «Олтин шох» шоу дастуримизга ташриф буюрсангизлар. Ўзларингиз билан, албатта, хонимларингизни ҳам олиб келинглар, - жаноб Химер Қулмахмудга қараб, яна бир бор шўхгина кўз қисганича қўшиб қўйди: - энди сизнинг хонимларингиз янаям кўпайишига шак-шубҳа йўқ.

Ҳотам бу гапни, пулларингиз кўпайди, энди айш қилаверасизлар, деб тушунди. Қулмахмуд суюнди, холос.

Ҳотам қутига қўл узатди:

- Энди бизга рухсат.

- Оқ йўл, жаноблар.

Жаноб Химер уларнинг ҳар иккаласи билан алоҳида-алоҳида қўл бериб хайрлашаркан, жилмайди:

- Лариса хонимга бизнинг алангали саломимизни йўллағайсизлар, қандай муаммолар бўлса, бемалол мурожаат этишларингиз мумкин, хизматларингизга мунтазирмиз.

Унинг кўзларида кўкиш аланга ловуллади.

---

<sup>27</sup> Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. –Т.: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти». 2009. –Б.141.

Котиба ҳам табассум билан кузатиб қолди.

Улар кўчага чиқишди...»<sup>28</sup>.

Ш.Бўтаевнинг «Шох» романида мулоқот шакллари ижодкорнинг бадиий концепцияси яхлит намоён бўлишига йўл очади. Аниқроғи, «композицион тафаккур» устуворлиги, воқелик мантиғини шу тартибда қуриш воситасида адиб китобхон дунёқараши устидан ҳукмронлик ўрнатади. Адабий талқинни тафовутловчи муҳим хусусият тарзида бадиий макон ва замон чексизлигини кўрсатиш мумкин. Ҳар бир фаслда сабаб ва оқибатро ҳосил бўладиган «хаёлот иллюзияси» тасвир миқёсларини бошқарувини инобатга олсак, масала моҳияти янада ойдинлашади. Қаҳрамонлар фаолияти солномасининг муайян эпизодларга ажратилганлиги, уларни бирлаштириб турадиган давр шартлилигини таъминлайди. Ижтимоий-руҳоний бўшлиқ орасидаги фарқларни бартараф этиш учун муаллиф тасвир йўсини ва ровий нутқини қориштириб юборади. Мавжуд ҳолат бадиий компонентларнинг ролини сусайтириш баробарида, мушоҳада концепциясининг бутунлигини вужудга келтиради. Мазкур қарашга аниқлик киритиш мақсадида роман динамикасини таҳлиллашга уриниб кўрайлик. Жаноб Химер ва икки йигит ўртасида кечган суҳбат адабий талқин моҳиятини очадиган калит вазифасини бажаради. Ҳотам билан Қулмахмуд аслида шохларни пуллаш баробарида одамзоднинг ҳайвонийлашув жараёнига ҳисса қўшаётганликларини ҳатто идрок этиша олмайди. Жаноб Химер эса бу маҳсулот одамзод бошқарувини қўлга олишда қулай восита эканлигини теран англайди. Унинг кўзларида ёнган кўкиш аланга шодлик аломатларини тасдиқлайди. Қаҳрамоннинг муайян дастури асосида изчил олиб бораётган махфий мақсади сирлигича қолади.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «**Муаллиф нуқтаи назари ва роман композицияси**» деб аталади. Бадиий услубнинг асосий тушунчаси таърифида мавҳумлик ҳамда турфа назарий бирликлар кузатилади. Мавжуд ҳолатнинг илмийлиги, назарий жиҳатдан мураккаблиги ҳамда кенг қамровлиги, ўлчов чексизлиги, шартли қонуниятлари билан изоҳланади. Рус мунаққиди М.Поляков *композиция услуби, гоя услуби, мавзу услуби, ижодий усул услуби* моҳиятини мустақил шаклланивчи поэтик унсурлари сифатида эътироф этади. Бу ўринда ифода тасвирининг бир-бирини ҳосил қилиш зиддияти акс этади. Бироқ назарий тушунчаларни алоҳида муаммолар сифатида тадқиқ этиш ишончни оқламайди. Негаки, бадиий услуб поэтик фикрнинг изчил ривожланишини таъминлайдиган асосий воситалардан бири саналади. Л.Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романи мисолида таҳлил қилиб кўрамиз:

«Биз саккизинчи синфга қатнай бошлаган кузнинг ўрталарида Ашур аскарликдан қайтди!

---

<sup>28</sup> Бўтаев Ш. Шох. –Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси кутубхонаси» нашриёти». 2006. –Б,144-145.

У бир пайтлар қандай одатдан ташқари тарзда ҳарбийга жўнаб кетган бўлса, тагин шундай одатдан ташқари манзараларда қайтиб келди.

Одатда, аскарликдан қайтаётган йигитлар вилоят марказидаёқ бирор киракашнинг автоуловига талтайганича ўтириб, бутун сиру синоатга кўмилиб, бемисл дабдабаю асъаса билан уйига кириб келар эди. Худо бергани шу-да, киракаш мўмайгина кира пулидан ташқари, бош-оёқ сарпога бурканар, ҳатто бироз безбетлик билан талаб қилса, бирорта бўрдоқига ҳам эга бўларди-қўярди.

Аммо Ашур...

-Э, ҳе-хе-хе-е-ей! Э, э ҳе-хе-хе-е-ейй!

Бу ўктамгина ҳайқириқ катта трасса йўл тарафдан эшитилди. Биз ўқувчилар трассадан андак берида, Али муаллимнинг инжиқ назорати остида эгилиб-букилиб пахта терар эдик»<sup>29</sup>.

Мазкур парчага диққат қилинса, ундаги мавзу услуби, ижодкорнинг ижодий услубида мутаносиблик кўринади. Умуман олганда эса Л.Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романи киноявий-пародик тафаккурнинг махсус шакли ҳисобланади. Бу эса роман композицион услубининг ичида юқорида саналган услубларни ҳам қамраб олади.

Хуллас, бадиий услуб романдаги асосий ва ёрдамчи унсурларнинг ўзаро диалектик муносабатини яхлитлаштиради. Айниқса, матн ва асар систематик бутунлиги руҳий жараён ҳисобланиб, ёзувчи дунёқарашига бевосита туташади. Услубнинг тадирижий такомилида ёзувчи ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўллариини теран таҳлил қилади. Шу боис, услубнинг қонуний даражалари асар унсурларининг тартибли жойлашувини ҳам бошқаради. Зотан, бадиий услуб бевосита мазмунни тўлалигича ифодалаш воситаси ҳисобланиб, муаммонинг у ёки бу қисмини аниқ ечим билан хотималанишигача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу ўринда дунёқараш, миллий рух, ифода оригиналиги, тарихий қамров сингари жиҳатлар ҳам умумруҳиятга бориб қўшилиши айтилиши ҳақиқатдир.

## ХУЛОСА

Ҳозирги ўзбек романчилигида бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитлик синтези муаммосини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Услуб ва композиция бир-бирини тақозо этадиган ва тўлдирадиган тушунчалардир. Услуб ёзувчи туғёнларини юзага чиқаришга йўл очиб берувчи маёқ бўлса, композиция ҳаёт ҳақиқатини яхлит шаклда ифода этиш воситасидир. Адиб ўз ботинидаги пинҳон, уни безовта қилган ҳис-туйғу, кечинма ва ҳаётини кузатишларидан келиб чиқувчи инсон, жамият ва

---

<sup>29</sup> Бўрихон Л. Жазирамадаги одамлар. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 2012. – Б.181-182.

башарият учун муҳим бўлган қарашлари – ички «мен»ига дахлдор дард-изтироб, қувонч-ташвиш, орзу-армонларини китобхонга илинади. Зотан, у қалбларни поклаш орқали жамиятнинг жорий ҳолатини ўз эстетик идеалга мувофиқлаштиришни кўзлайди. Поэтик маҳорат ортган сари услуб ҳам такомиллашиб боради.

2. Бадиий услуб моҳиятан ҳам шаклга, ҳам мазмунга алоқадор тизимдир. Унда қисм орқали бутунликни тасаввур қилиш, бутунлик орқали қисм алоҳидалигини тавсифлаш кузатилади. Бинобарин, ифода ва тасвирнинг мувофиқлашуви жанрий-композицион яхлитликни ҳосил қилади. Бошқача айтганда, адабий концепция фалсафий тадрижи ва поэтик ифодаси ўзаро чамбарчас алоқадорлик қонуниятига асосланади.

3. Улуғбек Ҳамдам «Сабо ва Самандар» романида мумтоз ва замонавий наср анъаналарини ижодий ўзлаштириш ва синтез қилиш натижасида ўз индивидуал услубига эришади ва асарнинг композицион яхлитлигини таъминлайди. Роман қаҳрамонлари ботиний кечинмалари «Лайли ва Мажнун» типигаги мумтоз дostonлардан ибтодоланади. Румиёна ва навоиёна услубий ифода ҳамда талқинлар, композицион усуллар, шунингдек Ч.Айтматов, О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, А.Дилмурод, Ш.Бўтаев насрида кузатилган ижодий изланишлар билан уйғунлашуви, уларнинг реал замон ва макон муаммолари таҳлили ва талқинига йўналтирилиши қабариб кўринади.

Романда дил ришталарининг ногаҳоний боғланиши, рақиб, ҳижрон, муҳаббат, садоқатнинг синовларда тобланиши, ижтимоий воқеликка зоҳиран кўниш, аммо ўттиз йил мобайнида ички пўртаналарга эргашиб, ўз ботинида эмраниб, изтироблар оғушида бўлса-да, руҳан бир-бирига талпиниб умргузаронлик қилиш ва ниҳоят, табиий равишда, жаҳон адабиётининг «Ромео ва Жульетта» типигаги асарларида ҳам кузатилган композицион ечимга томон бориш ҳоллари фикримизни тўла тасдиқлайди. Бинобарин, роман шакли, услуби, ифода тарзида жаҳон адабиёти барқарор анъаналари ва замонавий насримизга хос кўплаб паралелликлар кузатилади. Сюжет Сабо ва Самандар аччиқ ва аламли, айни пайтда идеал даражада тотли қисмати орқали ҳаракатга келтирилиб, пировардида оломонлик генеологиясини тафтиш этишга йўналтирилади. У.Ҳамдам «Мувозанат» романида ижтимоий публицистик услуб ва диний-илоҳий мотивларга урғу бериш ва қайта қуриш даври ижтимоий-психологик иқлимига хос жиҳатларни тафтиш этишга, «Исён ва итоат»да илоҳий киритмаларни параллел қўллаш орқали глобал муаммолар гирдобидида қолган инсон образини чизишга интилган бўлса, «Сабо ва Самандар» романида лиро-романтик услубдан самарали фойдаланди. Кўринадики, ҳар бир роман ўзига хос поэтик система, индивидуал композицион тизим бўлишига қарамасдан, ижодкор услуби ҳам асардан асарга ўтган сари тобора сайқаллашиб боради. Бу ҳол адиб «Йўл» романида инсон, жамият ва борлиқ билан диалогик муносабатга киришуви, роман ифода услубида

мушоҳадавийлик доминантлик қилишида янада ёркинроқ намоён бўлади. Умуман эса, бундай систем ёндашув У.Ҳамдамнинг романчиликдаги ижодий тадрижини, муайян давр романчилигига хос услубий-композицион янгиланишларни кўрсатиши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

4. Шойим Бўтаевнинг «Шох» романида композиция тафсилот ва саргузатшлар мутаносиблигини ҳосил қилади. Илоҳий, мифологик киритмалар орқали давр руҳиятини таҳлил қилишга интилади. Асардаги композицион қоришиқлик, муайян маънода, инсон маънавий борлигини баҳолаш, мантиқий далиллашга ҳам замин ҳозирлайди. Бироқ, адиб етакчи фикр ифодасида бирмунча баёнчиликка берилади. Гарчи у инсон, жамият ва борлиқ сир-синоатининг кеча-бугун-эртага шаклини чизишга эришган, икки кадрдон дўстнинг қизиқарли саргузаштлари натижасида мақсад ва муддао аниқ ечим билан хотималанса-да, баёнчилик иллати сюжетнинг атайин бўрттирилишига олиб келади. Шу боис, диссертацион тадқиқотнинг айна роман таҳлили ва тадқиқига бағишланган қисмларида адиб ўз услубини такомиллаштириш устида муттасил қайғуриши, бадиий матн поэтик жиоланиши йўлида астойдил тер тўкиши зарурлиги уқтирилибгина қолмай, ёзувчи мазкур романни ифода услуби жиҳатидан қайта кўриб чиқиши лозимлиги аниқ мисоллар таҳлили ва тадқиқи орқали кўрсатиб берилди.

5. «Сабо ва Самандар» романида цивилизация инсон маънавиятини аста-секин емириши, одамзод ақлий идрок замзамаларидан ваҳм туйиши оқибатда ўз-ўзини англаш ҳамда ифодалашнинг мураккаблашувига замин ҳозирлаши кўрсатилган. Муаллиф рус адиби Л.Н.Толстой ижодида кузатилган диспозицияни композицияга айлантириш, ҳаётий қамровни поэтик қайта тиклаш анъанасидан ҳам ижодий баҳраманд бўлган. Зотан, тасаввурнинг макон ва замон нуқтаи назаридан кенгайиши китобхонни ҳам миқёсли идроклашга йўналтиради. Адиб шахс манфаат-эҳтиёжларидан жамият руҳиятини келтириб чиқаради.

6. Луқмон Бўрихоннинг «Ҷазирамадаги одамлар» романида киноявий пвфос ва ирония бадиий яхлитликни ҳосил қилувчи омил сифатида намоён бўлиб, тасвир руҳияти ва ифода мустақиллигини белгилаб беради. Ним кулги, табассум, кесатик, пичинг ҳамда заҳарханда сингари кулги бадиий компонентлари ўзаро ўрин алмашиниб, инсон ва жамият муаммоларини башариятга дахлдор глобал масалаларга боғлайди. Айна пайтда алоҳида инсоннинг улкан қадрият сифатида эъзозланиши услубий индивидуалликни юзага чиқаради. Адиб «Алпомиш» эпосидан бери давом этиб келаётган «Яртибой»лик фалсафаси анъанасига эргашар экан, уни шўро даври сиёсатининг ғайриилмий ва ғайриинсоний негизини фош этишга йўналтиради. Роман ифода услуби ва композицион яхлитлигини мувофиқлаштиришга эришади.

7. Учала романда воқелик тизимини бирлаштириб турадиган умумий жиҳат мавжуд: асар қаҳрамонлари ўзига хос инсон тақдирини бошқариш баробарида роман динамикаси силсиласини кучайтириш вазифасини бажаради. Ижодий тафаккур миқёсларини кенгайтиришга поэтик имконият яратилади. Бироқ, қиёсий типологияда бир жуъзий камчилик қабариб кўринади. Учала роман мундарижасида ҳам характерлар тўлақонлилиги ифодасида қайсидир даражада, тасвир мароми бузилади. Жумладан, У.Ҳамдамнинг «Сабо ва Самандар» романида етакчи қаҳрамонлар реал воқелик занжирини бир-бирига улашга қурб топа олишмаса, Ш.Бўтаевнинг «Шох» романида тасвир руҳияти қамровининг ташвиқий баён орқали кенгайтиришга уринилиши мутаносибликни бузади. Л.Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романида эса пичинг, кесатик, киноя сингари поэтик воситалар етарли даражада тўлдирувчи компонентга айлана олмаган.

10. Бадиий услуб жанрнинг композицион компонентлараро уйғунлигини таъминловчи асосий омилдир. Ушбу ҳолат романнинг ҳам ички, ҳам ташқи моҳиятига таъсир ўтказади. Хусусан, У.Ҳамдамнинг «Сабо ва Самандар» романида бадиий майдон анча мавҳум тарзда гавдаланади. Сюжет ва конфликт орасидаги кузатиладиган айрим узилишлар изчилликнинг бузилишига, фалсафий мушоҳадага мойиллик эса, адабий моҳиятни муайян даражада юзакилаштиришга олиб келади. Бу хусусият жанр композициясига ҳам салбий таъсир ўтказади. Шунга қарамасдан, адиб бу бўшлиқни параллел сюжет орқали тўлдиришга интилади. Ш.Бўтаевнинг «Шох» романида тасвир ва тасаввур ўртасидаги боғланиш заифлиги кўзга ташланди.

Олиб борган тадқиқотимиз давомида У.Ҳамдам, Л.Бўрихон, Ш.Бўтаев бадиий изланишларида мавзу умумийлиги, яъни ҳар учала адибнинг реал ҳаёт маиший муаммоларига диққат қаратиш орқали одамзодни огоҳликка даъват қилиши ҳолат кўзга ташланди ва қиёсий йўсинда чоғиштирилди. Объект сифатида танланган романлардаги маънавий-ахлоқий муаммолар поэтик талқинидан муаллифлар инсониятнинг бугуни ва эртаси ҳақида қайғуриши, уларда ижтимоий-маънавий масъуллик туйғуси устиворлиги аниқланди. Бундай поэтик ўзгаришлар замонавий ўзбек романчилигининг муттасил янгиланиб бораётганига ишончли далил бўла олади. олат беради. У.Ҳамдам «Мувозанат» романини беш марта қайта ишлаб нашр қилгани, Ш.Бўтаевнинг икки марта бу ишга мурожаат қилиши ёхуд Л.Бўрихон уч марта таҳрир қилишга ички эҳтиёж сезиши каби факторлар бадиий изланишлар давомида ёзувчилар бадиий маҳорати ҳам анча теранлашиб, замонавий ўзбек романчилигида бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитлик синтези чуқурлашиб бораётганини кўрсатади.